ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 29 июль. Сешанба №60 (5.831). Сотувда эркин нархда

МАВСУМ ЯКУНИ ВА САБОҒИ

Сарҳисоб

Ғалла ўрим-йиғими мавсуми ниҳоясига етмоқда. Суғориладиган ерлардаги ҳосил йиғиштириб олинди ҳисоб. Лалми жойларда ҳам уч-тўрт кунда жами дон хирмонга тушади. Шунга қарамай «Ҳосил-97» тадбири вилоятларда қандай ўтгани ҳақида якуний мулоҳаза юритса бўлади.

Тажрибаси ортиб, ҳосилдорликни йилдан-йилга кўтараётган галлакорлар сафи кенгаяётгани қувончли. Бунда ҳар йилдагидек андижонлик деҳқонлар карвонбошилик қилишмоқда. Вилоят бўйича ўртача 66,2 центнердан ризқ-насиба саранжомланди. Ўнлаб хўжалик, юзлаб бригадаларда ушбу кўрсаткич 70 центнер ва ундан юқори рақамни ташкил этди. Сара дон етиштириш ҳадисини олган андижонликлар республикамиз хўжаликларига кузда экиш учун сифатли уруғлик ҳам тайёрладилар.

Хоразм, Наманган, Фарғона ва Бухоро вилоятларида ҳам эришилган натижалар дурust. У ҳудудларда гектаридан ўртача 30,3-42 центнердан бебаҳо неъмат йиғиб олинди. Кўпгина жамоалар давлат буюртмасини ошириб адо этиб Ватанимиз мустақиллигининг олти йиллигига муносиб армуғон ҳозирлашди.

Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил, деганларидек, мулжалдаги ҳосилни ундиролмай қолоқлар қаторидан ўрин олган жамоалар, афсуски оз эмас. Масалан, ҳар гектар майдондан Самарқандда 22,5 центнер, Сирдарёда 15,2, Жиззахда 14,2, Қорақалпоғистон Республикасида 15,9 центнердан ҳосил олинаётгани жуда ачинарлидир. Соҳага эътиборсизлик, илғорлар тажрибасига амал қилмаслик оқибатида аҳвол шу даражага етди. Хирмонларга минглаб тонна дон тушмади.

Холисона айтганда, амалдаги йилда деҳқончилик қилиш осон кечмади. Табиат ҳам ғалла парваришига таъсирини кўрсатди. Кетма-кет тақрорланган довул, селлар натижасида ҳосилнинг маълум қисми йўқотилди. Аммо сабаб фақат шуларми? Кўп хўжаликларда бултур кузда сифатсиз уруғ экилди. Шароитга мосми, яхши ҳосил берадими, йўқми ўйлаб кўрмай ҳатто иккиуч хил нав ташлайверилди. Утган йили қайта-қайта айтилганига қарамай қатор жамоаларда бор ғалла топшириб юборилди-да, сўнг ернинг бир қисмига истеъмолбоп маҳсулот сепилди. У ҳам меъёрида заминга тушмади. Пуч уруғдан яккам-дуккам майса унди. Озиқлантиришда агротехника қоидаларига амал қилинмади. Пирвардида эса...

Ҳа, асл деҳқон аввало сара уруғ танлайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, кузда мамлакатимиз далаларида асосан андижонликлар тайёрлаган уруғ жойлаштирилади. Насиб этса бу ўз ижобий натижасини кўрсатади. Шу билан бирга етишмагани вилоятларнинг ўзида ҳозирланиши ўқтирилган. Мазкур топшириқ Андижон вилоятида адлақачон уддаланди. Қашқадарёлик деҳқонлар 13 минг тоннага яқин уруғлик ғамлаб қўйишди. Самарқандда ҳам салкам 10 минг тонна уруғлик бор. Бироқ каттагина майдонда ғалла етиштирадиган Тошкент ва Жиззах вилоятларида бу борадаги ишлар қониқарсиз. Пойтахт вилоят ғаллакорлари атиги 1175 тонна уруғлик жамғаришганини, Сирдарёда ушбу юмуш энди бошланаётганини қандай изоҳласа бўлади? Ахир вақт ўтаяпти. Бир ярим ойдан кейин экиш ишлари бошланади. Амалдаги йилда йўл қўйилган хатолар сабоқ бўлиши керак.

Заминимиз сахий. Йилда икки-уч мартадан ҳосил етиштириш имкони мавжуд. Халқимиз дастурхони сабзавот, мош, полиз маҳсулотлари билан тўкин бўлиши, қишга етарли озуқа жамғариш, ғалладан бўшаган ерлардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Мумай даромадни кўзлаган раҳбару деҳқон қулай фурсатни бой бермайди. Сендан ҳаракат, мендан баракат, деган ҳикматга амал қилган Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари миришкорлари ғалла майдонларининг катта қисмига тақрорий экинлар экиб, парваришини қунгилдагидек олиб боришаяпти. Меҳнат ҳадемай мевасини кўрсатади.

Сусткашликка йўл қўйилса бири иккинчисига уланаверади. Бошқа вазифалар ҳам аро йўлда қолиб кетади. Ғалла етиштиришда судралган вилоятларда жуда оз ерга тақрорий экин экилди. Жумладан, Қорақалпоғистонда иккинчи ҳосил олишга ажратилган майдоннинг атиги 24,5 фоизи, Жиззахда 17,2, Сирдарёда 12,3 фоизида деҳқончилик қилинаётир. Бунинг сабаби эса оддий: муддат кечикди, ерлар вақтида шудгорланмади.

Шунингдек, макка ўстиришда ҳам айнан шу ҳол. Наманган, Фарғона, Андижонда чорва қишловига тараддуд қизғин. Юзлаб гектар майдонларда макка парваришланяпти. Номлари юқорида танқидга олинган жойларда эса режа ҳатто 25 фоиз бўлмаган. Бугун лоқайдлик қилганлар эртага изиринли кунларда емиш қидиришади. Мутахассислар елиб-югургани бир нав, ташвишлиси, зиёнини тармоқ кўради. Чорва бош сони камаяди, гўшт ва сут етиштириш яна озаяди.

Ёзнинг учинчи ойи бошланаяпти. Замин қанча эрта шудгорланса келгуси ҳосил учун шунча яхши. Июль ойи охирларидаги маълумотга қараганда Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида топшириқ ҳали 60 фоизга ҳам етмаган. Тошкент вилоятида эса 100,6 минг гектардан эндигина қарийб 30 минг гектари шудгорланди. Ҳали ҳайдалмаган 70 минг гектардан ортиқ ер турибди. Ваҳоланки, шу пайтгача далалар ҳайдаб қўйилган бўлиши керак эди.

Ҳозирги замон деҳқончилигида техника ғоят муҳим ўрин тутади. Бирон агротехник тадбир унингсиз ўтмайди. Техникадан оқилона фойдаланиш мул ҳосил калити. Яширишнинг ҳожати йўқ, кўпгина хўжаликлардаги техниканинг маълум қисми носозлиги, эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги туфайли бекор турибди. Шу боис ҳайдов тракторларининг бари далага чиқарилмаган. Вазият боридан унумли фойдаланишни тақозо этаётир.

Вақтни ғанимат билган хоразмлик механизаторлар битта тракторда кунига ўртача 8 гектар ерни ҳайдаб ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Тошкент, Жиззах вилоятларида эса бир тракторда 6,6 гектардан майдон шудгорланаяпти. Лекин Қашқадарёда 1913 трактордан 404 таси ишлатилган ҳолда ўртача 4 гектардан, Наманганда 743 тадан атиги 90 тасидан фойдаланиб 4,2 гектардаги экин майдони ҳайдалаётгани оқибатида ишлар чўзилаяпти. Унутмаслик жоиз, ҳали яна чопиқ тракторлари кирмаган юзлаб гектар ер бор.

Мавсум охирламоқда. Аммо якун яққол кўринди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, имкон борида ютқ ва камчиликларни обдон таҳлил этиб 1998 йилда мул ҳосил ундириш тараддудига астойдил киришмоқ лозим. Айниқса, бунда ниҳоятда паст ҳосил олган жамоалар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг зиммасидаги масъулият катта. Зеро, яхши отга бир қамчи деганлар.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
деҳқончилик бўлими мудири.

Пахтаобод туманидаги «Ваҳоб» деҳқон-фермер хўжалиги миришкорлари жорий йилда 10 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Шу кунларда миришкорлар ғўзага ишлов беришни сусайтирмаяптилар. Парвариш ишлари маромида ўтказиляпти.

СУРАТДА: «Ваҳоб» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Мухторжон Ҳабибуллаев.

Т. ҒАФУРОВ олган сурат.

БАҒДОДДА КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Фарғона вилоятида ўтказилган кўргазмали семинар қишлоқ хўжалик техникаси ва ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бағишланди.

Йиғинга барча вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, деҳқончилик ва механизация бўлимлари етакчи мутахассислари, «Агромашсервис» бирлашмалари раислари муовинлари ҳамда давлат техника назорати инспекциялари раҳбарлари таклиф этилдилар.

Уни қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Узоқов олиб борди. Семинар қатнашчилари танишувни Бағдод тумани машина-трактор парки ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоаси амалга ошираётган ибратли ишларни кўришдан бошладилар. Ҳиссадорлик жамияти раиси Шокиржон Солижонов корхона фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилди. Ушбу жамоа шу йилнинг олти ойида 17.971 минг сўмлик материал-техника хизмати кўрсатган, 97.470 минг сўмлик қишлоқ хўжалик ишларини бажарган. Айни кунларда у ерда эскирган техникани таъмирлаш, қайта ишлашга эътибор кучайтириляпти. Меҳмонларга занжирли тракторларнинг ишдан чиққан занжирини пайвандлаб, сифатли таъмирлашаётгани маъқул бўлди. Насос қурилмалари ҳам махсус мосламалар ёрдамида созланаётгани кўпчилик эътиборини тортди.

Нефть маҳсулотларини тежаб фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Анжуман иштирокчилари ёнилғи-мойлаш материаллари сақлаш ва уларни реализация қилиш жойларини ҳам кўрдилар. Омборлар ҳар томонлама талабга жавоб бериши лозимлиги, цистерналар ҳар йили икки-уч маротаба тозалаб ювилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, йиғин қатнашчилари Данғара туманидаги «Сирдарё» жамоа хўжалиги ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сақланадиган омборга, сўнг таъмирлаш устахонасига ташриф буюрдилар. Ёнилғи қуйиш аппаратлари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бир оператор бир неча вазифани уддалайди.

Семинар қатнашчилари, «Найманча» ширкатлар уюшмасида ҳам бўлдилар. Қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш ва таъмирлаш борасидаги мезбонлар тажрибасини ўргандилар. Сўнг ғўза қатор ораларига дон экадиган сеялкалар қандай ишлаши тўғрисида изоҳ берилди ва улар ишлатиб кўрсатилди.

Олинган тажрибалар ҳақида ўртоқлашилди, семинар якуни шу уюшмада ўтди. Унда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Й. Узоқов, шу вазирликнинг бош бошқармаси бошлиғи И.Ҳайдаров, Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Исроилов ва бошқалар сўзга чиқиб, урганса арзийдиган ибратли ишлар хусусида фикр алмашдилар.

Р. МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЧОРВАЧИЛИКДА ЎСИШ
у нималар ҳисобига бўлаётир?

Тармоқ таҳлили

Бугунги кунда чорвачилик республикамиз миқёсида муҳим ва катта соҳа ҳисобланади. Чунки ҳар куни гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилмайдиган оила бўлмаса керак. Ана шуни ҳисобга олган республикамиз раҳбарияти кейинги вақтларда чорвачиликни ривожлантириш, унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича изчил тадбирларни амалга ошираяпти. Бунга жавобан чорвадорларимиз бу соҳани ривожлантириш бўйича анча юмушларни амалга оширишди. Хусусан, шу йилнинг ярмида қатор муваффақиятларга эришилди. Бунда, айниқса, хусусий тармоқнинг ҳиссаси каттадир.

1997 йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар сони 25 минг 300 бошга кўпайди. Лекин шу даврда жамоа хўжаликларида 238,1 минг бош қорамол камайиб кетган. Сигирлар сони 39 минг 400 бошга кўпайиб, 102 фоизни ташкил қилган. Қўй ва эчкилар эса 4 минг 900 тага кўпайган. Бироқ, жамоа секторида 631 минг 800 бошга камайган.

1997 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республика бўйича гўшт, сут ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришилди. Бунда шахсий хўжаликларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Утган ярим йилликда республика бўйича 365,8 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилиб, бу борада ҳам ўсишга эришилди. Ушбу кўрсаткичнинг 85,5 фоизи аҳоли ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек 1482,2 тонна ишлаб чиқарилган сутнинг 89,1 фоизи аҳоли ҳисобига тўғри келди. Тухумнинг эса 65,4 фоизи ҳам шахсий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу рақамлар шанба куни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида чорвачилик соҳасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда кўрсатиб ўтилди. Йиғилишни Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азимжон Муҳиддинов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Бир қатор туманлар, хўжаликлар, хусусийлаштирилган фермалар соҳани ривожлантириш, мол боши сонини кўпайтириш, унинг зотини яхшилаш, моллар маҳсулдорлигини ошириш, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликнинг асоси бўлган — ем-хашак жамғаришда сезиларли ишларни олиб борганликлари таъкидланди. Лекин кўпгина туманларнинг жамоа хўжаликларида бу муҳим соҳага етарли эътибор берилмаяпти. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари хўжаликларида қорамоллар бош сони 23 — 29 мингтага, ёки 20 — 23 фоизга, майда моллар Навоий вилоятида 123 минг, Қашқадарёда 130 минг, Самарқандда 143 минг бошга, ёки 17 — 30 фоизга камайишига йўл қўйилди. Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятларида сигирлардан бузоқ олиш қониқарсиз даражада. Кўпгина хўжаликларда сигирлар паразитлар кўпаймоқда. Мисол учун, Бухоро вилоятида шу ўтган даврда 2969 бош сигир чиқим қилиниб, бор-йўғи 410 бош ғунажин сигирлар гуруҳига ўтказилган. Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Чунки вилоят, туман ҳокимликлари, хўжалик ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари мол бош сонини кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш масалалари билан жиддий шуғулланмаётирлар.

Шунингдек қатор вилоятларда гўшт, сут ишлаб чиқаришда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида бир кунда ҳар бош сигирдан 2,2-2,7 килограммдан сут соғиб олинаяпти. Оқибатда Тошкент, Жиззах, Фарғона, Сирдарё вилоятларида гўшт ишлаб чиқариш ўтган ярим йилда 41 — 65 фоизга, сут етиштириш 43 — 60 фоизга камайтириб юборилди.

Қорақулчилик Узбекистонни дунёга танитган соҳалардан бири бўлса-да, бунга эътибор камайди. Мамлакатимиз бўйича майда моллар бош сони аҳоли ҳисобидан кўпайган бўлса-да, жамоа секторида қўй-эчкилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 450 минг бошга камайди. Навоийда 107 минг, Қашқадарёда 104,8 минг, Самарқандда 112 минг бошга камайган. Натижада 1996 йилга нисбатан 357 минг бош қўзи кам олинди. Қорақўлчилик хўжаликларида шу ярим йилда гўшт ишлаб чиқариш 6 300 тоннага, қоракўл тери тайёрлаш 368 минг донага, жун 212 тоннага камайди.

Паррандачиликда ҳам аҳвол оғирлигича қолмоқда. «Узпаррандасаноат» бирлашмаси ишлаб чиқариш қувватининг бор-йўғи 20,1 фоизидан фойдаланилаётир. Андижонда «Хўжаобод» ҳиссадорлик жамияти 1,6 фоиз, Бухородаги «Ватан» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш қувватидан 0,5 фоизгагина фойдаланаяпти. Навоий вилоятидаги «Лочин» ҳиссадорлик жамияти эса умуман фаолият кўрсатмаяпти. Она товуқларнинг маҳсулдорлиги паст. Ярим йилда мулжалдаги 90 дона ўрнига ҳар бир товуқдан 68 дона тухум олинган, холос. Шу йил 1 июль ҳолатига 1 миллион 703 минг паррандa чиқимига йўл қўйилган. Буларнинг ҳаммаси паррандачилик учун етарли миқдорда сифатли ем ишлаб чиқарилмаганлигидадир.

Умуман жамоа тараққиётига чорвачиликнинг бундай ночор аҳволга тушиб қолганлигининг асосий сабаби қатор вилоят ҳокимларининг тармоқ бўйича ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва хўжалик ҳамда қишлоқ хўжалиги раҳбарларининг чорва озуқа базасини яратишга эътибор бермаётганлигидадир. Улар бу йил ҳам ҳар хил баҳоналарни рукач қилишиб, озуқабоп экинлар экиш топшириқларининг бажарилмай қолишига йўл қўйишмоқда.

Жорий йилда ғалладан бўшаган 400 минг гектар ерга тақрорий экин экилиши керак эди. Шунинг 250 минг гектари силос учун мажбурий. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган тақрорий макка экиш топшириғини шу йилнинг 23 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида 16 — 23 фоизигина бажарилди, холос. Табиий ўтлардан хашак тайёрлаш ҳам қунгилдагидек эмас. Чунки бу йил табиий хашак мул бўлиши, бугдой, арпа сомони етарли миқдорда мавжудлигига қарамай, Бухоро, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида талабга нисбатан 25 — 35 фоиз атрофида ем-хашак жамғарилди. Натижада қишлов даврида ҳар бир шартли мол бошига 15 — 20 центнер озуқа бирлиги тайёрлаш ўрнига, бу рақам шу кунгача 4 — 5 центнерга зўрга етказилди.

Чорвачиликка, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласига айниқса Беруний, Қамаши, Навоий, Қурғонтепа, Ангор, Арнасой, Қуйи Чирчиқ, Оқдарё, Сирдарё, Жондор туманлари эътиборни сусайтириб юборганлар. Мазкур туман хўжаликларида кейинги йилларда чорва молларининг сони кескин камайтирилди, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиб кетмоқда.

Маълумотларга қараганда «Уздонмаҳсулот» корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ем, кепак сифати паст, нархи баланд.

Шунингдек, «Узёғмойтамакисаноат» уюшмасининг ёғ-мой комбинатлари давлат фондидан ажратилаётган пахта шелухаси ва кунжарани хўжаликларга вақтида бермаётганлиги ва бошқа салбий ҳолатлар ҳам чорвачиликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Шу ярим йилликда ажратилган шрот фондининг Навоий вилояти 954, Тошкент 1163, Фарғона 1187, Жиззах 2440, Самарқанд 2895, Қашқадарё 4046 тоннасини ололмадилар. Ажратилган шелуханинг эса 1202 тоннаси Самарқанд, 1467 тоннаси Андижон, 5822 тоннаси Хоразм, 1234 тоннаси Фарғона вилоятлари хўжаликларига етиб бормади. Кўп ҳолларда хўжаликларга сотилаётган шелуханинг намлиги белгиланганидан юқори бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда. Жумладан, Косон, Наманган, Каттақўрғон ёғмой комбинатларидан хўжаликларга берилаётган шелуханинг намлиги 18 — 21 фоизгача бўлганлиги аниқланган. Бу эса ўз навбатида шелуханинг бузилишига олиб келмоқда.

Аҳволни ўнглаш учун нималарга эътибор бермоқ керак? Чорвачилик соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни жойларда танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқиш керак. Бунинг учун ҳар бир хўжалик, чорвачилик фермаси нима сабабдан мол бош сонини камайишига йўл қўйгани, маҳсулдорликнинг пастлиги, хашак тайёрлашдаги камчиликлар чуқур таҳлил этилсин. Муаммоларни ечишда фермаларга амалий ёрдам кўрсатиш, камчиликларни бартараф этишда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши зарур. Молларни вақтида рацион асосида озиқлантириш, айниқса кўп сут, соғлом бузоқ берадиган сигирлар туёғини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Жойларда ем-хашак тайёрлайдиган бригадалар ташкил қилиниб, улар етарли техника, ишчи кучи билан таъминланса айни муддао бўлур эди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди. Унда тегишли вазирлик ва ташкилотлар, идоралар ва ижодий уюшмалар раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров, фестиваль бош режиссёри Б. Йўлдошев, ижрочи директори С. Аҳроровнинг мазкур нуфузли мусиқа байрамига тайёргарликнинг бориши, Самарқандда бажарилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, фестиваль томошаларини саҳналаштириш масалалари ҳақидаги аҳборотлари тингланди. Сўзга чиққанлар бу борада амалга оширилган ишларни қайд этиш билан бирга ҳали ҳал этилиши лозим бўлган талайгина масалалар мавжудлигига эътиборни қаратдилар. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

«Қишлоқ ҳаёти»нинг ошкоралик ойнаси

ҚАЛБИНГДА НЕ ГАП БОР, АЗИЗ ЮРТДОШИМ?

ОНАЛАР ДУОСИ — ЭЗГУЛИК САДОСИ

Мария РАҲМОНОВА,
уй бекаси

Ёшлигим Тожикистонда азоб билан ўтди. Ўгай она қўлида тарбия топиш осон бўлмади. 12 ёшимда ўз кунимни ўзим кўришга мажбур бўлдим. Одамлар уйида юмуш қилиб амал-тақал ҳаёт кечирдим.

Тақдир тақозоси билан Фарғонага келиб қолдим. Яхшилар марҳаматларини аяшмади. Вақти етиб турмуш қурдим. Аммо бахтимни қарангки, умрдошим ноқобил бўлиб чиқди. Ундан кўрган азобларимни айтиб эзилиб ўтирмай! Ушанда мен учун ҳаётнинг ҳеч қандай қизиғи қолмаганди. Яратганнинг раҳми келдими, мени Муйдинжон деган оққўнгил, меҳнатсевар йигит билан учраштирди. Яхши ният билан оила қурдик. Ширин фарзандларимиз бор. Буларнинг ҳаммаси учун яхши одамларга минг бор қуллуқ қиламан.

Гоҳо ўзимга ўзим савол бераман: хўш, Узбекистон аталмиш бу юртнинг афзаллиги нимада? Жавоби тайин: ер юзида топилмайдиган бу заминда одамгарчилик, меҳру оқибат кучли. Инсонларнинг муқаддас заминга, муҳтарам Президентимизга иймону эътиқоди ниҳоятда мустаҳкам.

Сўнгги учрашувимизда тожикистонлик қадрдоним юз ёшли Ойгул момо барчанинг кўнглидаги гапни айтди: — Узбекистонликларга Президентдан буюрган. Уларга ҳавасим келади...

«СИЗДАН ҚАРЗДОРМАН, МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ»

Варида АҲМАДУЛИНА,
маданият ходими

Пешкуда табаррук инсонлар кўп. Аммо «пахта иши» жабрдийдаларидан бири, узоқ йиллар «Узбекистон» хўжалигига раислик қилган Ҳ. Ҳамроевдек юрт меҳрини қозонганлар кам бўлади. У пахта илмининг чинакам устаси, моҳир ташкилотчи, юртнинг ҳақиқий оғаси эди. Узининг кучли салоҳияти билан ўртаҳол хўжаликни уч йилда илғорлар сафига олиб чиқди. Йил деҳқончилик учун ниҳоятда оғир келган даврларда ҳам узбекистонликлар пахта тайёрлаш йиллик режасини муваффақиятли адо этишарди. Тадбиркор раис бошчилигида ажойиб гузарлар, замонавий уйлар, савдо расталари, кўприклар қурилди, жаннатмакон боғ-роғлар вужудга келди.

Қарангки, палла чарх айланиб Гдлян, Иванов ҳамда уларнинг малайлари «пахта иши» ниқоби остида не-не умри азизларга зуғум ўтказдилар. Кўнгилларига келган номаъқулгарчиликларни қилишди. Раислар, етакчи мутахассислар у ёқда турсин, ҳатто бригада бошлиқлари ҳам айбсиз айбдор сифатида қамалдилар.

— Уша кезларда оила аъзоларимиз билан қаттиқ саросимага тушиб қолдик, — дея таъкидлашади раҳматли раисниг фарзандлари. — Отамиз ниҳоят даражада адолатсизлик қилинганини, ҳали ҳаёт ҳаммасини жойжойига қўйишини таъкидлаб биз билан хайрлашди. Ул зотнинг ғурури, орияти кучли эди. Кўп ўтмай падари бузрукворимиз қамоқда вафот этганлигини маълум қилишди... Бизга қаттиқ таъсир қилган нарса яна шу бўлдики, кимлардир оиламизни — жабрдийдаларни қуллаб-қувватлаш ўрнига ўзларини олиб қочишди. Номардлар орасида отамиздан кўп яхшиликлар кўрган инсонлар бор эди.

Уша бағоят оғир шароитда Ислом Абдуғаниевич Каримов «пахта иши» жабрдийдаларига чинакам қалқон бўлдилар. Махсус фармонга қўл қўйиб қанчаданканча айбсиз айбдорларни қамоқдан озод этдилар. Шу тариқа отамга ўхшаган ҳақиқий инсонлар, асл пахтакорларнинг, Узбекистоннинг шаъни сақлаб қолинди.

Биз Муҳтарам Президентимиздан бир умр қарздормиз.

МАҲАЛЛИЧИЛИК — ХАВФЛИ ИЛЛАТ

Мусулмон БАФОЕВ,
ишчи

Собиқ шўро даврида халқимиз ўз қадриятларидан, динидан, маданиятидан, ўтмишидан мосуво этилди. Иш шунгача бориб етдики, «ягона совет халқи» таркиб топганлиги тантанавор тарзда эълон қилинди. Шу тариқа аста-секин ўз она-Ватанимиз — Узбекистонни англаш, миллий ғурур, ифтихор деган муқаддас туйғулар биздан узоқлашди.

Лекин айни вақтда айтиш лозимки маҳаллийчилик, гуруҳбозлик касалига баъзи раҳбарлар дучор бўлаётганликларининг зиёни катта бўлаяпти. Худди шу маҳаллийчилик, таниш-билишчилик оқибатида айрим ношуд, лаганбардор кишилар мансаб эгаси бўлиб олишмоқда. Бундайларнинг қандай «фаолият» юритишлари маълум. Бу иллат чуқур илдиз отган жойларда одамларнинг ҳафсаласи пир бўляпти, улар онгида турли гумонлар тугилмоқда.

Президентимиз халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида айрим мансабпарастлар ўз қариндошлари ва шерикларини мансабга ўтказиш учун бирлашиб ўзаро кумак уюштирганликлари ҳақида гапириб «буларни гуруҳ эмас, қабила деб аташ тўғри бўлади» дея таъкидлаганди.

Яна бир фикр. Маҳаллийчиликка йўл қўйган раҳбар маънавий қашшоқ кимсадир. Тараққиёт кишани — маҳаллийчилик иллатини таг-томири билан тугатиш лозим. Мен бундай касалликка мубтало бўлганларга Президентимизнинг янги асарини ўқиб, тегишли хулосалар чиқариб олишни маслаҳат берган бўлардим.

«ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ»ГА ЭЪТИРОЗЛАРИМ

Александр ПАК,
шоликор

Хўжалигимизнинг ер шароити оғир. Шундай бўлса-да, ўз ишининг ҳақиқий устаси, замин ҳакими, агрономимиз бошчилигида ажойиб ишларни амалга оширяпмиз. Катта ҳашар уюштириб далага маҳаллий ўғит, нури ташиб келтирдик. Ерлар текисланди. Ариқ-зовурлар тозаланди. Сувдан, ёнилгидан тежаб-тергаб фойдаланиш қатъий йўлга қўйилди. Бош агроном уругчиликка катта эътибор беради. Шолининг «Авангард» навидан ташқари «89-165», «Мустақиллик», «Аланга», «Гулзор» навлари экилди. Урганчдаги «Бекобод» хўжалигида жорий йилда 1.100 гектар майдонда шоли етиштириляпти. Насиб қилса хирмон ҳар қачонгидан баракали бўлади.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасини мунтазам ўқиб бораман. Узбекчани сув қилиб ичиб юборганман. Мазкур газета деҳқоннинг ҳақиқий маслаҳатгўйи, дўстидир. Ҳал қилувчи дамларда бизга ниҳоятда асқотади. Аммо битта жиддий эътирозим бор. Сўнгги вақтларда агрономлар, ҳисобчилар ҳақида камдан-кам мақолалар бериляпти. Шунингдек, замондошларимиз ҳақида мунтазам лавҳалар, очерклар бериб борилса маъқул иш бўларди.

БОҚИМАНДАЛИК БАЛОСИ

Азизали АЛИБОЕВ,
ўқитувчи

Муҳтарам Президентимиз боқимандаликдан батамом халос бўлиш лозимлигини бот-бот уқтириб келмоқдалар. Чиндан ҳам бу иллат — тараққиёт кишани. Боқимандалик бор жойда ҳеч қачон иш олдинга босмайди. Фикримизча, бу касалга мубтало бўлганлар бозор шароитида омилкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорликсиз мақсадга эришиб бўлмаслигини яхши тушуниб етмаган кўринишади.

Шероботдаги У. Юсупов номли хўжалик неча йилдирки, давлатга пахта топшириш режасини бажаролмай келмоқда. Раҳбару мутахассислардан бунинг сабабини суриштирсангиз: «Ўғит, сув етишмаяпти, техника эскирган, сара уруғ йўқ» қабилида жавоб қилишади. Энг ачинарлиси, баъзилар ана шу муаммоларни ҳамон кимдир ҳал этиб беришини кутишяпти. Оқибат-натижада ернинг умри зое ўтказиляпти. Қаранг, ўтган йили Х. Боймуродов номли бригада гектаридан қарийб 30 центнер ўрнига бор-йўғи 16,2 центнердан пахта йигиштирди. Абдусамат Жумаев бошлиқ бригадада эса бу кўрсаткич 17,4 центнер бўлди, холос.

Хўжаликда кадрлар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Боқимандалик кайфиятидаги қўйи бўғин етакчилари ўрнига тадбиркор, ташаббускор ёшлар тайинланди. Баҳонага ўрин йўқ. Аслида мазкур хўжалик далаларида ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириш мумкин. Масалан, У. Алимова етакчилигидаги бригада юқорида қайд этилган қолоқ жамоалар билан ёнма-ён жойлашган. Бироқ бригада саркори мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланди, ижро интизомини мустаҳкам йўлга қўйди, ҳар бир тадбирни вақтида сифатли амалга оширишга эришди. Натижада бултур кўзлангандан анча кўп — гектаридан 33,7 центнердан пахта ҳосили йигиштириб олинди. Бу йилги ният 40 центнер.

Демак, ҳамма гап кимнингдир ёрдамига кўз тикмай омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилишдадир.

МАЪНАВИЯТДАГИ КЕМТИКЛИК

Илҳом АҲМЕДОВ,
миришкор

Сирдарёнинг Гулистонида Мирзо Раҳматов деган қадрдоним бор. У тилими тилни ёрадиган ажойиб қовунлар етиштиради. Яқинда биринчи ҳосил узилиши баҳонасида миришкорнинг саховат тўла даласида бўлдик. Уч кун қовунхўрлик қилдик. Шундан сўнг қадрдоним бозор ҳаракатига тушди. Деҳқон ташвишларидан бехабар яшар-канмиз. Миришкор елиб-югуриб тўртинчи кун деганда катта юк машинасини ёллашга муваффақ бўлди.

Яхши ният билан йўлга чиқдик. Бир нарса мени бағоят ранжитди. Йўлда нечта ДАН назорат бўлими бўлса, ҳаммасида машинамизни тўхатиб, деҳқонни хит қилишарди. Икки жойда асоссиз равишда узоқ туриб қолдик. Асаббузарликлар, дўстимнинг қўйиб-пишишларини кўриб баттар эзилардим.

— Ука, ҳалол меҳнатимиз эвазига етиштирган қовунларни бозорга олиб боряпмиз. Барака топ, неъмат иссиқда уриняпти. Бизни тезроқ қўйворсангиз, — дея илтижо қилишгача борди шўрлик деҳқон.

Минг азобда Тошкент бозорига етиб келдик. Ярим кеча бўлишига қарамай атрофимизни гурр этиб олибсотар йигитлар ўраб олишди... Ҳақли савол тугилади: эл дастурхонига ноз-неъмат тортиқ этишни ният қилган ҳазрати деҳқон йўлидан сунъий говлар қачон олиб ташланади? Қачон бозорларимизнинг тўри «учарлар», олиб сотарларники эмас, ҳақиқий деҳқонларники бўлади?

Шундай ният қиламан: ҳазрати деҳқон фахр ва яхши ният ила ноз-неъматни шаҳарликларга олиб борар экан, уша ДАН ходими катта йўлга чиқиб унга «честь» бериб турсин. Чунки шу табаррук, қадоқсўл инсон бизни едириб-ичиряпти, дастурхонимизни тўкин-сочин қиляпти.

Мустақил Узбекистонимизда барча ниятларимиз бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Деҳқоннинг мана шу орзуси ҳам ушалса ажабмас.

Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» жамоа хўжалиги раҳбарияти ёшларни ўйлантираётган масалалар билан атрофлича қизиқади. Ўзаро мулоқотларда ютуқларни мустаҳкамлаш, муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ оқсоқолларининг файзли ўтишини таъминлаш юзасидан эътиборга молик мулоҳазалар билдирилади.

Суратда: хўжалик бош зоотехниги Темир Бобоев (ўртада) ёш чорвадорлар даврасида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИДАН ЎРГАНАЙЛИК

Улбўсин САНАЕВА,
пудратчи

Мазкур хўжаликда неча йилдирки узумдан юқори ҳосил олишга эришиб келинмоқда. Қайта ишлаш саноати ҳам яхши ривожланган. Уттан йили 4 минг тонна маҳсулот вино цехида қайта ишланди. Саховатли боғларни оралаб завқингиз ошади. 350 гектар токзорда 32 хил узум нави етиштирилмоқда. Тошкент туманидаги Фозилов номли хўжалик раҳбар ва мутахассислари ютуқларни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча тадбирларни омилкорлик билан ишга солишмоқда. Масалан, йил мобайнида аҳолига сархил неъмат тортиқ этиш учун йирик музлатгич келтириляпти.

Хўжалик асосан уч йўналишда изчил ривожланяпти. Чорвачилик, узумчилик ҳамда иссиқхонадан катта даромад олинмоқда. Ўтган йили иш ҳақига 54 миллион сўм сарфланди. Бу ерда касалхона, мактаб, маданий-маиший муассасалар учун маблағ аялмайди. Биргина илм маскани, шифохонани таъмирлашга 4 миллиондан ортиқ маблағ кетди.

Хўжалик деҳқонлари яқинда гузарлик бўлишди. Мана энди ажойиб чойхона, ошхоналар, устахоналар, маиший хизмат муассасалари, савдо шоҳобчалари улар хизматида.

— Биз ҳеч қачон ҳеч кимнинг ёрдамига кўз тиккан эмасмиз, — дейди бошқарув раиси Сиддиқжон ака Маҳамаджонов. — Заминни ардоқлаш, касб-корга садоқат, мустаҳкам интизом ютуқларнинг бош омилидир.

Узимча фикр қиламан: қани энди ҳамма ҳам шундай яшаса, меҳнат қилса, турли баҳоналарни рукач қилиб, ернинг умрини зое ўтказаётганларни халқ академиясининг намунаси ҳисобланмиш шу каби хўжаликларда муайян вақт мобайнида ишлашларини йўлга қўйиш лозим. Бу шубҳасиз катта наф беради.

ЙИГИТЛАРГА АЙТАР СЎЗИМ

Иван ПЕТРОВСКИЙ,
ҳарбий хизматчи

Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Унинг азиз тупроғи кўзга тутиё. Ватан корига яраш, Ватанга хизмат қилиш ҳар бир инсон учун катта бахт. Буни армия сафига чақирилганлар ҳам қалбдан ҳис қилишади. Кези келганда қалбимдаги бир фикрни очиқ айтаман: кўпгина қишлоқларимизда тарғибот ишлари ҳали биз кутган даражада йўлга қўйилмаган. Тарихий ҳужжатлар аҳамияти ва моҳияти ҳар бир қалбга чуқур сингдирилмаяпти. Шу боис муқобил хизматнинг аҳамиятини баъзилар тўғри тушунишмайди. Ваҳоланки у ёшларни чиниқтириш, уларда меҳнатга, она заминга меҳр-муҳаббат уйготишда катта аҳамият касб этяпти.

Муқобил хизмат ёш йигитга яхши иш билан таъминланиш, ҳунар ўрганиш, ҳаётда чиниқиш имкониятини беради. Ишлаб топаётган маблағининг 80 фоизи оиласига буюради. Мана шуларнинг ҳаммасини барча ёшларимиз яхши билишлари учун унинг тарғиботини ҳам намунали йўлга қўйишимиз керак. Ватанни севган ва ундан хизматини аямаган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди.

ИСТИҚЛОЛГА ТАЪЗИМ

Анатолий САРКИСОВ,
меҳнат фахрийси

Қадрдон Зоминимизнинг 20 асрлик тарихи бор. Бироқ бу ерда истиқомат қилаётганларнинг орзулари мустақиллик йилларидагина рўёбга чиқмоқда. Масалан, биринчи гузар яқингинада фойдаланишга топширилди. Замонавий бинолар, ёшлар кафеси, сартарошхона, новвойхона, суратхона, савдо шохобчалари ўзгача чирой бағишлаган.

Небуса қишлоғи аҳолиси кўп йиллар мобайнида табиий газни орзу қилиб яшади. Истиқлол шарофати билангина улар хонадонида зангори олов ёнди. Қизилсойдагилар ҳам табиий газдан баҳраманд бўлмоқдалар. Энг чекка маскан — Дуоба қишлоғида врачлик амбулаторияси иш бошлади. Қурувчи сифатида ана шу қувончли ўзгаришлардан қалбим жунбушга келади. Истиқлол қуёши бошимиз узра нур сочаверсин, дейман.

НОШУКУРЛИК ЁМОН

Шерали ИМОМОВ,
сувчи

Узун туманидаги Очилдиев номли жамоа хўжалигимизни Тожикистон билан катта бир ариқ ажратиб туради. Мухтожлик, мамлакатдаги бошбошдоқлик инсонни не қўйга солиши мумкинлигини қўшни мамлакат фуқаролари кўргиликлари орқали яхши англаяпмиз. Бу ёруғ жаҳонда бировни бировга мухтож қилмасин. Юрагимизга яқин кишиларнинг гамгин чеҳраси, бир бурда нон илинжидаги илтижоли термулишлари юракларни ўртайди.

Ҳа, биз ҳур Узбекистоннинг бахтли фуқаролари минг бор шукроналар қилсак арзийди. Тинчлик, хотиржамлик, осуда, барқарор ҳаётни таъмин этган меҳрибон Президентимизга, ҳукуматимиз раҳбариятига раҳматлар бўлсин. Кези келганда орамизда шундай ҳаётнинг қадрига етмаётган, баъзи қийинчиликларни хаспўшлаётган кимсалар ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаш жоиз. Ношукур бўлманг, гуноҳга ботасиз, дегим келади уларга.

Узбекистон раҳбарияти тинчликни мустаҳкамлаш масаласига ҳамиша катта масъулият билан ёндошмоқда. Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида уч мамлакат — Узбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Президентларининг учрашуви ҳам улуғ мақсадга эришишда беқиёс роль ўйнаши шубҳасиздир. Президентлар ўтган уч йил мобайнида биргаликда амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокама қилар эканлар, мамлакатларимиз ўртасидаги интеграциявий тараққиёт учун мустаҳкам асос яратилганлигини таъкидладилар. Шунингдек, Чўлпонотада ўтган мажлисда минтақада иқтисодий интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш учун ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва омилкорлик зарур экани яна бир бор таъкидланди. Бу кўзланган мақсадга етишиш учун энг мақбул йўлдир.

Мамлакатимиздаги ҳаёт, рўй бераётган ўзгаришлар хусусида одамлар қандай фикрдалар? Уларнинг қалбларида айтолмай юрган не гаплар бор?

Ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида жойларда бўлиб, оддий фуқаролар, турли миллат вакиллари билан очиқчасига суҳбатлашдик. Маълум бўлдики, одамлар истиқлол берган бахту иқбол, беқиёс имкониятларни қалбдан ҳис қилмоқдалар. Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Шу билан бирга улар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, янада яхшироқ яшашимиз, янги довонларни эгаллашимизга тўғаноқ бўлаётган камчиликларни ҳам бирма-бир баён этдилар. Бу демократия ва ошкоралик ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётганлигидан далолатдир. Суҳбатдошларимизнинг қимматли фикр-мулоҳазалари катта наф келтириши шубҳасиз.

Мирғиёс ҚАЮМОВ.

Донимиз — ширин нонимиз

ХИРМОНГА БАРАКА

Қашқадарё вилояти ғаллакорлари давлатга дон сотиш режасини шараф билан адо этдилар. Ўримйиғим эса давом этмоқда. Мавсумнинг бориши ҳақида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мусо МУРОДОВ мухбиримиз Бозор ЭРҚОРОВга қуйидагиларни гапириб берди:

— Дарҳақиқат, ғаллазорларда меҳнат суръати сусайгани йўқ. Асосий майдонлардаги ҳосил саранжомланган бўлсада вилоятимизнинг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Деҳқонобод туманларининг тоғ этагида жойлашган хўжаликларида дон яқинда пишиб етилди. Шу имкониятлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, хирмонга ҳали кўп дон тўкилади.

Бултур ғалладан олинган жами даромад 1 миллиард 137 миллион сўмни ташкил этган эди. Бу йилгиси камида икки баробар ошади.

Маълумки, йил ғаллакорларимиз учун оғир келди. Майсаларни суғориш учун кузда сув етарли бўлмади. Табиат инжиқликларини айтмайсизми. Устма-уст сел ва дўл ёғиши натижасида 24 минг гектар майдондаги ўсимлик шикастланди. Табиат қийинчиликларини енгиб, деҳқонлар фидойилик кўрсатишди. Каттагина майдонлар шудгорланиб экин қайтадан экилди. Бу хирмонимизнинг баракали бўлишига катта улуш қўшди.

Инсон манфаатларидек муҳим ҳаётий масалага эътибор билан қаралганлиги ютуқларимизнинг бош омилидир. Ғаллакорлар унумли ишлаши учун яхши шароит яратиб берилди. Илғорлар ўз вақтида рағбатлантириб борилди. Бепул иссиқ овқат ташкил этилди. Ҳар беш кунда иш ҳақи туланаяпти.

Шу билан бирга йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб бажарган, юқори ҳосилдорликка эришган туманга «Нексия», меҳнат баҳсида ғолиб бўлган хўжаликларга 3 та енгил автомашина, илғор комбайнчига «Тико» автомобили ажратилди. Бундан ташқари мавсум илғорлари турли хилдаги қимматбаҳо саноат буюмлари билан рағбатлантирилди. Натижада урим суръати ошиб, айрим кунлари ҳатто хирмонга жами 15 минг тоннадан ошириб ғалла тўкилди.

Биргина чироқчилик ғаллакорларнинг эл хирмонига тўккан дони 70 минг тоннадан ошди. Касби, Шаҳрисабз, Қарши туманларида ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 35-40 центнерни ташкил этди. Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари эришган ютуғи ҳам кишини қувонтиради. 500 гектар суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олинди.

Шунингдек, Китоб туманидаги «Китоб», Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли, Навоий номли, «Қашқадарё», Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли, Яхши Омонов номли, Муборак туманидаги 5 ва 7-жамоа хўжаликлари, Яккабоғ туманидаги Жуман Мехлиев номли, «Узбекистон», Чироқчи туманидаги «Чиял» хўжаликлари деҳқонлари пешқадамлар сафидан жой олишди. Нишонлик Рўзиқул Тошболтаев, Нурали Очилов, Усмон Юсупов туманидан Шариф Қурбонов, Дилшод Шодиқулов, Пирнафас Пулатов, касбилик Нурали Ҳақбердиев, Холмат Умаров, Турсун Рузиев, Қарши туманилик Бектемир Бобомуродов, Ҳақберди Очилов, Самад Эрдонаев раҳбар бўлган ижарачилар жамоаси юқори натижаларга эришдилар. Улар гектаридан 50—60-центнердан дон олишга муваффақ бўлдилар.

Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигидан Элмурод Бойқобилов мавсумда 420 гектар майдондаги ғаллани ўриб берди. Унинг бугунгача хирмонга тўккан дони 1600 тоннадан ошди. Шу тумандаги Жўра Элбоев номли жамоа хўжалигидан Мумин Худойбердиев, Қарши туманидаги Юсуф Ҳўшвақтов номли жамоа хўжалигидан Тўра Ортиқов, Норбой Эшонқулов, Акмал Иқромов номли жамоа хўжалигидан Қобул Турдиев, Чироқчи туманидаги «Шурқудуқ» жамоа хўжалигидан Улуғбек Парқулов, «Чиял» жамоа хўжалигидан Турди Алимов, «Чорвадор» жамоа хўжалигидан Мақсуд Маматов сингари азамат комбайнчилар ҳам бошқаларга ибрат бўлишди. Улар ҳар беш кунда 2000 сўмдан ошириб иш ҳақи олишди. Ҳар бир «Кейс» комбайнида кунига 25 гектардан зиёд майдондаги ғалла ўрилди.

Бепоён ғаллазорларда меҳнат суръати ҳамон юқори. Далаларда 1550 та комбайн жавлон урмоқда. Ишнинг баракасини 90 та «Кейс» комбайни таъминлаётир. Хоразм, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасидан ёрдамга келган комбайнчилар ҳам ўрим-йиғимда ғайрат кўрсатишмоқда.

Келгуси йил ҳаракатини ҳам бошлаб юбордик. Ғалласи ўриб олинган майдонлар пешма-пеш шудгор қилинаяпти. Суғориладиган майдонларнинг бир қисмига полиз ва бошқа маҳсулотлар экилди. Андижон вилоятидан уруғлик дони келтирила бошланди.

Иқтисодиёт, банк, ислоҳот

РИВОЖЛАНИШНИНГ УЧ МАНБАИ

Тойлоқ Самарқанд вилоятидаги кенжа туманлардан биридир. У мевачилик, сабзавотчилик, узумчилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Бу ерда иқтисодий ислоҳотлар изчил жорий қилинаётганлиги сабабли халқ хўжалигининг барча тармоқларида режалар ортиғи билан уддаланиб, иқтисодиёт мустаҳкамланиб бормоқда. Табиийки, халқ хўжалигининг бундай илдам ривожланишида республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»и Самарқанд вилояти туман бўлимининг ҳам катта улуши бор. Банкда мижозларга кредит бериш, нақд пул билан таъминлаш, уларга намунали молиявий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Дебитор-кредитор қарзларни бартараф этиш, нақд пул тушими режасини бажариш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хуллас, банк жамоасининг туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир.

Қуйида амалга оширилаётган ишлар, иқтисодий ислоҳотларнинг жорий қилинаётганлиги, ҳукумат қарорларининг қандай бажарилаётганлиги, берилаётган кредитлардан самарали фойдаланилаётганлиги тўғрисида «Пахта-банк»нинг туман бўлими бошқарувчиси Алиқул ШЕРОВ билан суҳбатлашдик.

— Алиқул Олимович, банкнинг туман бўлими очилганига унча кўп вақт бўлмасада, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигини кўрдик. Бу муваффақият омиллари нимада деб ўйлайсиз? Назаримда кредитлардан самарали фойдаланиш ҳам ушбу омиллардан бири бўлиши мумкин. Шундай эмасми?

— Тўғри, банк бўлимининг иш бошлаганига энди олти йил бўлди. Шундай бўлсада, жамоа туман халқ хўжалигининг иқтисодиётини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди, дейиш мумкин. Айниқса, ажратилаётган кредитлар қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган янги технологиялар сотиб олиш, цехлар бунёд этишга сарфланмоқда. Шу боис кейинги йилларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайди. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, четга ҳом ашё эмас, тайёр маҳсулотлар чиқарилмоқда. Табиийки, бу туманга катта даромад келтирмоқда. Маҳсулотларга нафақат ҳамдўстлик мамлакатларидан, балки чет давлатлардан ҳам буюртмалар келмоқда. Энг муҳими, ажратилаётган кредитларнинг салмоғи ҳам йилдан-йилга усиб бораяпти.

Масалан, ўтган йили 58 миллион 219 минг сўм кредит берилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг олти ойида 38 миллион 836 минг сўмни ташкил қилди. Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу иш жамоа томонидан қаттиқ назоратга олинган. Шу боис уларнинг барчаси деярли ўз вақтида қайтариляпти. Шу билан бирга ҳом ашё, маҳсулот ишлаб чиқариш учун қарзларнинг устама фоизи бирмунча ҳам белгиланган. Устама фоизларни ҳам йилдан-йилга камайтириб боришга эришяпмиз.

— Қисқа муддатда туманда ғаллачилик асосий тармоқлардан бирига айланди. Табиийки, бунинг иқтисодий фойдаси ҳам катта. Соҳада бундай муваффақиятга эришишда банкнинг ҳам маълум даражада ҳиссаси бор. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра етиштирилаётган ғалла учун олдиндан 40 фоиз миқдорида аванс тўлаш, ғаллакорларни пул билан таъминлаш, уларга молиявий хизмат кўрсатиш масалалари қандай амалга оширилаяпти?

— Тўғри, кейинги йилларда туманда ғаллачилик асосий тармоқлардан бирига айланди. Мул ва сифатли бўтдой етиштириш бўйича етарлича тажриба ҳам тўпланган. Ҳар йили бу борадаги режалар ортиғи билан уддаланиб келинмоқда. Масалан, бултур 7194 тонна ўрнига 13468 тонна ғалла йиғиштириб олинди. Жорий йилда ҳам бу борадаги топшириқ вилоятда биринчилардан бўлиб бажарилди. Давлатга 3048 тонна ғалла сотиш режалаштирилган эди. Ҳозиргача ушбу топшириқ 5800 тонна қилиб бажарилди. Тармоқ ходимларининг бундай муваффақиятга эришишида банкнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Улар ўз вақтида маблағ билан таъминланаётганлиги, намунали молиявий хизмат кўрсатилаётганлиги боис кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра йил бошида хўжаликларга етиштирилаётган ғалла учун 40 фоиз миқдорида аванс тўлаш белгиланган эди. Шунга мувофиқ 8 миллион 150 минг сўм пул ўз вақтида ғаллакорларга етказиб берилди.

Ҳосилнинг қолган қисми учун ҳам ҳақ тўлаш давом этмоқда. Дон маҳсулотлари корхоналаридан тушаётган маблағ ҳеч қандай тўсиқларсиз, ўз вақтида хўжаликлар ҳисобига ўтказиляпти. Етиштирилган доннинг қолган қисмига ҳам қисқа муддат ичида тўла миқдорда ҳақ тўлаш мўлжалланмоқда.

— Мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада такомиллаштириш, уларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, дебитор-кредитор қарзларини бартараф этиш, касса режасини бажариш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу борада кўрилаётган чора-тадбирларнинг самараси қандай бўлмоқда?

— Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мижозларимиз асосан жамоа хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобланади. Туман халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланиб, иқтисодиети мустаҳкамланиб бораётганлигида муассасамизнинг ҳам маълум даражада улуши борлигидан мамнунмиз. Айниқса, дебитор-кредитор қарзларини бартараф этиш, нақд пул тушуми режасини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Мақсадимиз мижозларга янада намунали молиявий хизмат кўрсатиб, уларни ҳар томонлама иқтисодий қўллаб-қувватлашдир.

Масалан, дебитор-кредитор қарзларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни олиб кўрайлик. Банк ходимларининг тушунтириш ишлари ни олиб бораётганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоб-китобсиз мол бериш тақиқланганлиги тўғрисидаги қарорига қатъиян амал қилинаётганлиги натижасида қарзлар миқдори камайиб бормоқда. Жорий йилнинг ярим йилида дебитор қарзлар 29 миллион, кредитор қарзлар 68,2 миллион сўмга қисқарди. Табиийки, бунинг туман иқтисодиетига катта фойдаси бўлди.

Касса режасининг ҳам ошириб бажарилишига эришилмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ходимларимиз нақд пул билан муомала қиладиган ташкилотларда бўлиб, пул тушишини назорат қилишяпти. Имкони борича ҳамма жойда касса аппаратларини ўрнатиш режалаштирилган. Жорий йилнинг олти ойида касса режаси 139,4 миллион сўм қилиб белгиланган эди. Бу топшириқ 156,2 миллион сўм қилиб ортиғи билан уддаланди. Мижозларга нақд пул бериш борасида ҳам муаммо йўқ. Агар ҳисоб-рақамида маблағи бўлса, исталган пайтда нақд пул олиш имконияти мавжуд. Масалан, июль ойи учун бюджет ташкилотлари маош олишди, пенсионерлар учун нафақа пули аллақачон бериб бўлинди.

Мижозларга яхши шароит яратилганлиги, иш электрон почта асосида ташкил қилинганлиги, энг муҳими, хизмат кўрсатиш маданияти йилдан-йилга такомиллашиб, унинг турлари қўпайиб бораётганлиги боис натижалар яхши бўлмоқда. Барча операциялар компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Утказилган пул вилоятнинг ичида бир кунда, республика миқёсида эса икки кунда исталган манзилга етиб боради. Мижозлар билан яқин алоқа ўрнатилган. Уларга турли хил молиявий, иқтисодий маслаҳатлар бериш, зарур бўлса уларнинг иқтисодиетини таҳлил қилиб бериш йўлга қўйилган. Шу боис мижозлар банк хизматидан мамнун. Улар бизга исталган масала бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

— Ҳозир республикамизда тармоқларга ихтисослашган банклар кўпайганлиги сабабли кадрлар масаласи муаммо бўлиб қолди. Сизларда малакали кадрларни тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, зарур бўлса ўқув юртларида ўқитиш масалалари қандай аҳволда?

— Тўғри, ҳозир бу масала долзарб бўлиб турибди. Боиси, соҳада ишлайдиган малакали, тажрибали мутахассислар кам. Олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшлар етишмайди. Биз бу муаммони ўзимиз ечишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, ҳар йили ўзимизда ишлаётган ходимларнинг малакасини ошириш учун курсларга ўқишга юбораяпмиз. Шу билан бирга ишчан, қобилиятли ёшлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига юборилянти. Масалан, бултур икки киши борган бўлса, жорий йилда тўрт кишини жўнатдик.

Ҳ. КАРИМОВ.
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги бу йил ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Айниқса, хўжаликнинг Ш. Ишликов бошлиқ бригадасида ҳосил дуруст. Жамоа аъзоларимавжуд 56 гектар ғалла майдонидан баракали дон йиғиштириб олиш учун самарали меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Ш. Ишликов жамоа хўжалиги раҳбари И. Ҳасановлар етиштирилган доннинг сифатини кўздан кечиришмоқда.

Р.СОДИҚЗОДА олган сурат.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Саноат корхоналарида

ЯНГИЙЎЛ консерва ҳиссадорлик жамияти жамоаси айни кунларда дала маҳсулотларини қайта ишлашни яна ҳам авж олдириб юборди. Корхонада қулупнай, эртапишар карам, бодринг, гилос, олча, ўрик ва олхўридан мураббо ва шарбатлар, полиз маҳсулотларидан эса тузлама тайёрлаш якунланди. Айни чоғда помидорни қайта ишлашга киришилди. Ўтган йили тумандаги Халқобод, Бобур ва А. Болғабоев номидаги жамоа хўжаликларини корхонага бирлаштириб агрофирма ташкил этилган эди, — дейди завод бош директори Б. Йўлдошев. — Қабул қилиб олинадиган маҳсулотлар учун йил бошидаёқ мазкур хўжаликларга беш миллион сўм аванс, етарли миқдорда уруғлик, ўғит ва техника етказиб берилди. Ҳозирдаёқ шартномада белгиланган маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи қабул қилиб олинди. Ана шу ишларнинг самараси ўлароқ, ҳиссадорларга қарийб тўрт миллион сўмлик дивиденд берилди. Йил охирида жамоа хўжалиги аъзоларига ҳам акциялар сотишни йўлга қўямиз.Деҳқон ҳам етиштирган, ҳам қайта ишлаган маҳсулотидан даромад олади.

Корхонада чет эл сармоясини жалб этишга ҳам жиддий эътибор берилаётир. «Болалар таомлари» Холдинг компанияси ва АҚШнинг «Тексуна» фирмаси билан ҳамкорликда кичкинтойлар учун таомлар ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

***

БУЛУНҒУР туманидаги «Томинтернейшнл» жамияти цехида помидорни қайта ишлаш бошланди.

— Жорий йилда минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига эга бўлдик, — дейди жамият раиси Н. Бегиров. — Бунда помидорни ювишдан тортиб, тайёр томат пастасига айлантиришгача бўлган ҳамма ишларни «ақлли машиналар» бошқаради. Тумандаги 13 та хўжалик билан маҳсулот олиш тўғрисида шартнома тузганмиз. Уларга маҳсулот қийматининг маълум қисми олдиндан тўлангани ғоят қўл келмоқда.

(ЎзА)

ЎНГЛАНИШ ЙЎЛИ

Саратоннинг шу жазирама кунларида янги Тошкент консерва заводи ишчиларининг чеҳраси гулгун. Уларга бу байрам кайфиятини боғбонлар, сабзавоткорлар бахшида этган, десак жоиз. Ёзги пишиқчилик, тўкинчилик корхона қайта ишлаш цехларидаги дастгоҳлар маромини янада тезлаштирди. Хилма-хил мева-сабзавотлар ортган тележкалар карвонининг «дала-корхона» йўналиши бўйлаб қатнови бошланди. Боғдорчилик, сабзавот маҳсулотларини ташиётган карвон сафи тобора тиғизлашмоқда. Ишчилар дала маҳсулотларини қабул қилиб олиб, саралашади, ювиб тозалаб, қайта ишлашади. Улардан серлаззат, тўйимли мурабболар, шарбатлар, павидлолар, қиёмлар, компотлар ва ҳоказолар тайёрлаб чиқаришади. Бодринг, помидор, гилос, олча, олхўри, олма, шафтоли ва бошқа неъматларнинг ёқимли бўйи атрофни тутган. Гўё даладаги серфайз пишиқчилик цехларга кўчгандек. Бу ёз фаслининг хушбўй таровати. Жорий йилда корхонамиз маъмурияти Қибрай, Тошкент, Зангиота туманларидаги боғдорчилик, полиз, сабзавотчиликка ихтисослашган ўндан ортиқ жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузган. Келишувга биноан мазкур хўжаликлар бу йил 20 тоннадан ортиқ бодринг, 923 тонна боғдорчилик, 4922 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берадилар. Қибрай туманидаги «Турон», «Қибрай» жамоа хўжаликларининг механизаторлари дала неъматларини ташишда карвонбошилик қилишмоқда. Дала неъматларини ташиётган механизатор учун корхонада қулайликлар муҳайё этилган. Чунончи тележкалар бўшатилгунча ҳайдовчилар ошхонада тушлик қилишади. Чой ичиб, дам олишади. Ушбу қулайликлардан мақсад механизаторларни тез қатнаб, кўпроқ маҳсулот ташишига имкон яратишдир.

Яқинда «Турон», «Қибрай» жамоа хўжаликлари бошқарувининг раислари Шукур Аъзамов ва Қаюм Холмирзаев корхонамизга ташриф буюришди. Корхона бош директори Раҳимали Қамбаров бошлиқ фаоллар билан дўстона учрашув ўтказдилар. Томонлар ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама чуқурлаштириб бориш хусусида фикрлашдилар. Раисларнинг маълум қилишича, бу йил боғлар мислсиз болга тўлган, полизу сабзавот пайкалларида ниҳоятда мўл ҳосил битган. Эндиги долзарб вазифа пешона тери эвазига етиштирилган ушбу неъматларни нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдан иборат. «Янги Тошкент консерва заводининг раҳбарияти жамоа хўжаликлари билан қўлни қўлга бериб, бир жон, бир тан бўлиб фаолият юргизишга тайёр, — деди бош директор Р.Қамбаров. Лозим бўлса олма, беҳи, помидор каби маҳсулотларни йиғиштиришда транспорт ва ишчилари билан дала меҳнаткашларига ёрдамлашишга тайёрмиз».

Дала маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхонамиз бозор иқтисодиёти тамойилларини ўзлаштириб, ўнгланиш сари юз бурмоқда. 1996 йилда 25 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилганди. Яқинда корхонани очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирдик. Эндиликда унинг ҳаққоний эгалари меҳнат жамоасидир. Биз, ишчилар мулкдор бўлдик. Одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати ўзгармоқда. Корхона тақдирига ҳеч ким бефарқ эмас. Жамоамиз ўзининг бурунги шуҳратини тиклашга қатъий бел боғлаган. Маҳсулотларимиз жаҳон бозорида муносиб ўрин топиб, ўз харидорларига эга бўлади. Зеро, Ўзбекистон тупроғида етиштирилган неъматлардан тайёрланган консерва маҳсулотлари бебаҳо ва тенгсиз. Чорак асрдан бери шу жамоада муқим ишлаб келаётган мен сингари оддий меҳнатчи учун қадрдон корхона камолини кўришдан ҳам юксакроқ, ифтихор бўлиши мумкинми?

Хушвақт ОМОНОВ.
Янги Тошкент консерва заводи ҳиссадорлик жамияти ишчиси.

МЕҲР-ОҚИБАТ БОР ЖОЙДА ФАЙЗУ БАРАКА КЎП

1997 — Инсон манфаатлари йили

Президентимиз Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида ижтимоий муҳофаза масаласига эътиборни қаратдилар. Ҳозирги пайтда қишлоқ ва шаҳарларни ободонлаштириш, аҳолининг соғлигини сақлаш, газ, сув таъминотини яхшилаш, маиший хизматни юқори поғонага кўтариш, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ғоят муҳимдир.

Қўрғонтепа туманида ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари изчил қўрилянти. Ҳокимликлари ишчи гуруҳ фаоллари «Нуроний», «Маҳалла» хайрия жамғармаси, касалхона, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда тез-тез бўлишиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мунтазам назорат қилиб туриптилар.

Туманда фахрийларни пенсияга узатиш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, аҳил оилалар кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. Қўрғонтепа шаҳри ўрамидаги Жомий маҳалласида ўтказилган «Қайнона, келин, қиз» мавзуидаги мулоқот кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди. Давра суҳбатида меҳмон кутиш, совчи қўйиш, қизлар мажлиси, сумалак пиширишсингари шарқона қадриятларни авайлаб-асраш ҳақида баҳс, мунозаралар бўлди.

Икки ногирон ёшнинг никоҳ тўйи ҳам Чимён қишлоғи аҳолиси ёдида бир умрга муҳрланиб қолди. Туман «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳамда «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги уларнинг маросимига бошчилик қилди. Зиёфат дастурхони, келин-куёв сарполари ва бошқа сарф-харажатларни жамоа ва жамғарма кўтарди. Меҳр-оқибат ва мурувват, ўзгаларга дардкашлик сингари ўзбекона фазилатлар халқимиз қон-жонига сингиб кетган.

Боқувчисини йўқотган нуронийлар ҳокимликнинг алоҳида ғамхўрлигида. Бу ҳақда туман ижтимоий таъминоти бўлими мудираси Марҳабо Тожибоева шундай дейди:

— Инсон манфаатлари йилида отахон-онахонлар ҳокимлик меҳрибонлигидан баҳраманд. 27 нафар фуқарога 760 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ғазлаштириш идораси, пахта тозалаш, электр тармоқлари корхоналари ёлғизларга ҳомийлик қилмоқдалар. Саломатлиги заиф бўлган, ёлғиз кишиларга 11 нафар ижтимоий ходимлар энагалик қилишмоқда. Ҳокимлик ҳисобидан қарияларга 8 хил озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилмоқда.

Туман марказидаги «Мурувват уйи»да 300 нафардан зиёд ногирон болалар тарбияланади. Болаларни овқатлантириш, кийинтириш, умуман яшаш шароитига доир молиявий сарф-ҳаражатларга «Савой» қишлоқ хўжалиги ва саноат уюшмаси жамоаси ҳомийдир. Ҳокимлик топшириғи билан бир қатор ишлаб чиқариш жамоалари ижтимоий ҳимояга муҳтож оила, хонадон ва фуқароларни ўз оталиқларига олган.

Ногиронларга малакали хизмат кўрсатиш эса туман ижтимоий таъминот бўлими жамоаси зиммасида. Уларнинг ёрдамида 14 нафар фуқаро аравача билан таъминланди. Яқинда яна 3 кишига ана шундай қулайлик яратилди. «Маъмуробод» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Зайнобиддин Усмонов шундай деди:

— Мустақиллик,Истиқлол туфайли меҳр-оқибат устивор бўлди. Бу борада хайрли ишлар қилиняпти. Руза, ҳайит, Наврўз каби улуғ айём кунлари катта-кичиклар хонадонимизга тез-тез қўнгил сўрагани кириб турадилар. Давлатдан олаётган нафақам рўзғоримга етса-да, қўнгил сўрашнинг ўрни бошқа. «Маъмуробод» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Эркинжон Усмонов ҳам кексаларга меҳрибон.

Шу кунларда Қўрғонтепага қадам ранжида қилганнинг баҳри-дили очилиб кетади. Кўм-кўк арча дарахтлари йўл ёқасида саф тортган. Ранго-ранг анвойи гуллар пойингизга тўшалгандек. Атрофда саранжом-саришталик, ораста лик, озодалик ҳукмрон.

Ҳокимлик ҳузурида ободонлаштириш бўйича махсус штаб тузилгандан кейин қурилиш ва таъмирлаш ишлари ривож олди. Айниқса қишлоқларда уй-жой қурилиши кенгайди, ободончиликка эътибор ошмоқда. Зеро, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек, инсонлар қанчалик гўзал ва обод, гўркираб ривожланган шаҳар ва қишлоқларда яшасалар, меҳнат қилсалар, шунчалик кайфияти кўтаринки, ишлари унумли бўлади.

Тумандаги ёдгорлик монументи қайта таъмирланди. Бу ер хотира майдонига айлантирилди. Шарқона услубда қурилаётган 60 ўринлик савдо растаси Мустақиллик байрамига иш бошлайди. 6 гектар ерни эгаллаган деҳқон бозори ва янги шоҳбекат қурилиши жадал. «Савой» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида 420 ўринли мактабнинг биринчи навбати қурилиши тугалланди. Иккинчи навбат Мустақиллик кунига талабаларни қабул қила бошлайди. «Андижон-Ҳонобод» магистрал йўли бутунлай янги қиёфа касб этиб борянти. Йўлнинг икки четидаги деворлар миллий услубда қайта таъмирланмоқда.

Соғлом авлодни тарбиялаш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш муҳим вазифа. Қишлоқ инфраструктура тизими талаблари ҳам шуни тақазо этади. Туманда ана шу масала назарда тутилгани ҳолда «Аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан тадбирлар дастури» ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жойларда қишлоқ шифокорлик пунктлари қурилянти, мавжуд сиҳатгоҳлар иши тубдан яхшиланмоқда. 10624 нафар она тиббий кўриклан ўтказилди, касаллиги аниқланганлар шифохоналарга етқизилиб, соғлиги яхшиланди. Қишлоқ аҳолисининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида жойлардаги фельдшерлик-акушерлик шохобчалари кўп тармоқли қишлоқ шифокорлик пунктларига айлантирилмоқда. Бу ҳақда бўлинманинг бош муҳандиси Аҳаджон Жўраев шундай дейди:

— Марказий касалхонамизга қарашли 32 та тиббий пунктлар ҳаракатда. Бошланғич тиббий-санитария ёрдамини ҳалқ саломатлигини сақлаш талабларига жавоб беролмай қолганди. Қишлоқ инфраструктураси тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳукумат дастурида уларни кўп тармоқли, замонавий диагностика ускуналари билан жаҳозланган қишлоқ шифокорлик пунктларига айлантириш вазифаси қўйилган.

Бугунгача «Савой» фуқаролари йиғини, «Қўштепа», «Қаҳрамон» жамоа хўжаликлари ҳудудларида 4000 аҳолига хизмат кўрсатадиган ҳар бири 50 ўринли 3 та қишлоқ шифокорлик пунктлари ишга туширилди. Тумандаги 9 та қишлоқда кўп тармоқли қишлоқ шифокорлик пунктларини бунёд этиш режалаштирилган.

Қурилишлар қуламининг кенгайтирилиши қишлоқ ёшларини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда. Утган йили 983 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 676 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Ҳозирги компьютерлар асрида қишлоқ тушунчаси тор, эскирган. Бугунги қишлоқ ёш саноат ва деҳқончилик мажмуидан иборат қайта ишлаш ва транспорт, маиший хизмат, канализация, уланган электрлашган алоқа боғламаси, мулкдорлар синфига эга бўлган гўркираган шаҳарча демакдир.

Қишлоқ инфраструктураси дастури асосида 2005 йилгача Қўрғонтепа тумани қиёфаси тубдан ўзгаради. Яқин келажакда савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамоаларининг маблағларини жалб этиб, қишлоқ жойларида 1000 квадрат метр савдо майдонига эга тижорат уйлари, 200 ўринли ошхона, 12 та маиший хизмат шохобчалари қурилиб ишга туширилади.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш, тоза ичимлик суви ва газ таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Йил давомида 30,4 минг квадрат метрли турар жой бинолари, 700 ўринли мактаб қурилади. 21 километр узунликда газ, 10 километр узунликда сув қувурлари тортилади.

Инсонга ғамхўрлик, меҳр-оқибат жўш урган жойда меҳнат баракали, натижалар салмоқли бўлади. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга мисоллар келтирсак. Туман статистика хизмати марказининг маълумотига кўра, 8552 гектар ерга экилган ғалла қарийб йиғиштириб олинган. Гектаридан 66,8 центнердан дон ячиб олинди.Ҳолбуки, бултурнинг шу кунигача гектаридан 44,3 центнердан бўғдой йиғиштириб олинганди. Амалдаги нархларда 893 миллион 487 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 367 миллион 465 минг сўмга кўпдир. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 593 миллион 861 минг сўм, ёки ўтган йилдагидан 35 миллион сўмликдан кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Пул эмиссияси режадагидан камайди.

Собир РЎЗИМАТОВ,
«Қишлоқ ҳаёти»нинг жамоатчи мухбири.

КУЙ СЕҲРИ- ЖОДУСИ

Манбаларда ёзилишича, сомонийлар сулоласи амирларидан Наср ибн Аҳмад (914-943 йилларда ҳукмронлик қилган) ўз яқинлари билан Марида булганда, шаҳар ҳавоси хуш ёқиб бир неча муддат шу ерда туриб қолган экан. Бухорога тезроқ қайтишни истасалар-да, буни амирга қай тариқа етказишни билмаган аъёнлар маслаҳатлашиб, масала ечимини сўраб Рудакийдан илтимос қиладилар. Ва навбатдаги базми жамшид чоғида келишилгандек, суҳбат мавзуини атайлаб Бухорога ўзгартирадилар. Шунда нафақат хассос шоир, шу билан бирликда моҳир машшоқ булган Рудакий созини қўлга олиб Амударенинг гўзаллигини, Бухородаги машҳур Муллиен ариғининг мавжли сувларини, шаҳарнинг салобатию файзи тароватини шу қадар таъсирчан қилиб куйлайдики, амир дарҳол базмни тўхтатиб, ҳатто оёқ яланг, енгил камзулда отига сакраб миниб, Бухоро томонга елдек учади. Ана санъатнинг кучи, ана куй сеҳр-жодуси!

Не тонгки, инсоният ҳали алифбони кашф этмаган пайтларида ҳам ўз ҳис-ҳаяжонлари, орзу-умидлари ва қувонч-ташвишларини ифода қила олган. У буни куй-қўшиқ орқали амалга оширган. Бешик тебратиб «Алла» айтаётган онага боқинг, яқин кишисидан айрилган муштипар зотнинг марсиясини тингланг — бари-барисида инсон руҳиятининг қўзгусидаги инъикосини кузатасиз, дилдан ҳис қиласиз, буни. Бешиқтер қўшиқ — миллатнинг қалби эканлигига иймон келтирасиз.

Ана шу қалб неча минг йилларки, бизни тарк этмай, садоқат ила хизмат қилиб келади. Узлигимизни танишга, ҳамма қатори ва айни вақтда бошқалардан узгачароқ эканлигимизни ўз-ўзимизга эслатиб, буни нафақат бугун, келгуси авлодларга етказишдек оғир ва шарафли юмушни зиммамизга юклайди. Зеро, ҳар бир халқ аввало ўзининг миллий санъатини, шу жумладан қўшиқчилигини асраб-авайлаш, ривожлантириш, бойитиш иштиёқи ила яшамоққа ва уни бутун дунёга манзур қилмоққа орзуманд эканлиги табиий ҳолдир. Шундан кейин ҳам куй-қўшиқ элларни элларга, дилларни дилларга вобаста қилишига шубҳа билдиринг-чи!

Истиқлолга эришганимиздан сўнг маънавият, маърифат ва маданият соҳаларининг равнақи йўлида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги бежиз эмас. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай хўрлик ва рида миллат ладиган қад мужассамли рак мақсадлар эканлиги бот ланиши ҳам дан. Республи Маҳкамаси тароналари» қа фестивали тўғрисида»ги да зикр этил нинг исботи.

бу қадар ҳамъитибор замини миллат қириятларнинг ги ва муштанинг устивор бот кўзга ташаслида шунка Вазирлар нинг «Шарқ халқаро мусини утказиш қарори юқорирган фикрлардеб айтишимиз мумкин. Бу фестивал «Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини авайлаб-асраш ва ривожлантириш, еш авлод қалбида санъатга булган меҳр-мурувват туйғуларини камол топтириш, гўзалликни, чин инсоний қадриятларни тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш...»га хизмат қилади, дейилади қарорда.

Кичик бир зиёфат, кичик бир тўйча учун қанча ҳозирлик куриш, елиб-югуриш керак. Мазкур фестивал эса, мақсад ва қўлами жиҳатидан яқинда Тошкентда булиб ўтган Халқаро кинофестивалдан асло кам эмас. Фестиваллар юртида амалга оширилаётган ҳайратомуз бунёдкорлик ишларини куриб, бунга қайта-қайта амин буласан, киши.

Айниқса, Ҳамид Олимжон номли театр олдидаги майдон қиёфаси туб ўзгаришлардан янада «очилиб» кетган. Фавворалар ва сунъий қуллар комплекси Амир Темур юбилейига бағишлаб барпо этилган янги майдоннинг узвий давомига айланган ва Амир Темур майдони, «Афросиёб» меҳмонхонаси мажмуи билан уйғунлашиб, яхлит бир гўзаллик ғўшаси кўз ўнгингизда намоён булади.

Дарвоқе, фестивал учун Самарқанд шаҳри белгиланганги бежиз эмас. Самарқанд наинки мамлакатимиздаги, балки жаҳондаги энг қўҳна шаҳарлардан бири. У ер юзининг сайқали деб ном олган. Самарқанд — Шарқ тимсолларидан бири. Шарқ нафаси, шуури уфуриб турибди, бу ерда.

Халқаро мусиқа фестивали ҳайъатига япониялик таниқли мусиқашунос, Токио университети профессори, дунедаги, айниқса, Шарқ мамлакатларидаги қўплаб шундай анжуманларда фаол иштирок этган, шарқ мусиқий маданияти, хусусан, туркий халқлар санъатининг тадқиқотчиси Харума Кашиба хоним раислик қилади. Ҳайъат аъзолари орасида Америка Қўшма Штатлари, Германия, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Туркия, Франция, Хитой, Ҳиндистондан келган мусиқашунослар, машҳур санъат арбоблари бор. Қирқдан ортиқ мамлакатдан ижрочилар, санъатшунослар, жамоат арбоблари иштирок этмоқдалар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фестивал доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида халқаро илмий-ижодий конференция ҳам ўтказилади. Унда Шарқ мусиқаси тарихи ва назариясининг йирик мутахассислари туркманистонлик Ш. Гуллиев, татаристонлик Гюзел Сайфуллина, Хитой Халқ Республикасидан таниқли мусиқашунос Сян Ян, таиландлик олим Монрат Срикаранандаларнинг фаол иштироки қутилмоқда.

Бир оғиз сўз фестивал совринлари ҳақида. Гран при — Бош соврин учун 10 минг АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти белгиланган. Ҳар бири 5000 АҚШ доллари миқдоридаги иккита биринчи, ҳар бири 3500 АҚШ доллари миқдоридаги иккита иккинчи, ҳар бири 2000 АҚШ доллари миқдоридаги учта учинчи мукофот таъсис этилган. Булардан ташқари, фестивал қатнашчиларининг вазирликлар, ижодий уюшмалар, жамғармалар ва бошқа ташкилотларнинг махсус мукофотлари ҳам бор.

Сўз қудрати, куй сеҳридан-да умрбоқий куч йўқ, бу оламда. «Шашмақом»га жо булган куй-қўшиқларни тинглаганда дунёни унутиб, сел булиб оқишимиз эҳтимолки шундандир. Биз юқорида қушиқ — миллат қалби, деб бежиз айтмадик. Зеро, қалб ҳамиша жунбушга мойил, орзу-умидлар ва келажакка ташланган уйғун нигоҳлар айнан ана шу қалб орқали утади. Шоир айтганидек:

Дунёнинг кўнглига сен бердинг ҳаёт,
Руҳингдан, Она Шарқ, яралди баёт.
Куйламоқ шавқида моҳир ўзингсан,
Ҳофиз ўзингдирсан, шоир ўзингсан...

Зайниддин РИХСИЕВ.

Шингиллар

ХОМТОК

Бобом хомток қилмоқдалар. Ёнларида ўралашиб юрибман. Ишкомларга қўнган қушлар сайрамоқда. Қаердадир сигир маъради. Хўроз қичқирди. Шундай қўлим етадиган масофадан ниначи учиб ўтди. Каттакон чигирткани кўриб қолдим. Ушламоқчи эдим, бир сакраб қочиб қолди.

Тоққайчи кетма-кет «шақ-шуқ»лайди. Ерга узун-калта хом новдалар тушмоқда. Мен кесилган новдаларни бир жойга тўплаб боряпман. Охир зерикдим. Бобом иш пайтида, овқат еяётганда гапирадиганларни ёмон кўрадилар. Ишга тушганларидан бери бир оғиз ҳам сўзламадилар.

Узоқдан паровоз гудоги эшитилди.

— Бобо, нега... — саволимни охиригача етказолмадим. Бобом:

— Ҳаҳ, — дедилар. Жаҳллари чиқди. Лекин биламан, минг аччиқлари чиқса ҳам қаттиқ гапирмайдилар.

— Гангитдинг-да, — дедилар. — Мана қара!

Қўлларидаги узум хом новдада икки бош узум кўм-кўк митти-митти ғужумлари кўриниб турарди.

— Гангитдинг-у хаёлимдаги бир маънили гапга тушунолмай қолдим, афсус... — дедилар бобом. Тоққайчи яна «шақ-шуқ»лай бошлади.

Ҳозир ўйлаб кўрсам: — бобом ўша мен тўп-тўп қилган, ортиқча, мевасиз, хом ток новдаларини бемаъни гап-сўзга қиёслаган эканлар.

МУВОЗАНАТ

Қараганда дўппи тушиб кетарли баландликдаги дор устида дорбоз у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Ҳаракатларига, ингичка арқон устида илдам-илдам оёқ ташлашларига ҳамма маҳлиё эди.

Хаёлимга юрган йўлларида ҳам қоқилиб-суриниб-диганлар келди.

Кўзларим эса дорбоз қўлларида лапанглаб, мувозанатини ушлаб турган лангарга тушди...

СУПУРГИ

— Супурги эккан эдим. Эҳ, гуркираб кетди, кўзни олади. Меҳнати ҳақида гап ҳам йўқ: ўтоги йўқ, чопиғи йўқ. Суғориб, даромадига кўз тикиб турибман, холос, — деб қолди бир деҳқон иккинчисига.

Униси ўйлаб туриб деди:

— Супургини дастлаб, бойланиши бор. Сим билан ўраш учун куч ҳам керак. Унисини ҳам қўйгин, елибюгурмаганинг эвазига меҳнатинг оёқ ости бўлади-да...

ОЛТИН УЗУМЛАР

Боққа кириб қолгандим. Бир томонда узундан-узун ишком сўрилари. Бир томонда олма, ўрик, нок, шафтолилар.

Ишкомлар бетондан, сўрилар темирдан қилинган. Тортилган симлар-у, нарвон қўйсагина қўл етадиган ерда осилиб турган олтин ранг узумлар кўзга ташланади. Мевасини кўтаролмай қолган дарахт шохларини айрилар кўтариб турибди. Разм солсам, айрилар мевалими-мевасизми, фақат дарахт шохларидан экан...

Абдужалил ЗОКИРОВ.

ШИДДАТКОРЛИК МУДДАОГА ЕТКАЗУР

Мамлакат биринчилиги учун кураш олиб бораётган олий табақа жамоалари оралиқ маррани якунладилар. Тошкент вилояти чарм тўп усталарининг Германиядаги халқаро мусобақаларда қатнашуви муносабати билан фақат «Дўстлик» —МҲСК учрашуви 4 августга кечиктирилди. Жадвалга назар ташланса, бу ўйин натижаси командалар мақсига амалда таъсир кўрсатмаслигини пайқаш қийин эмас.

Биринчи давра баҳсларида кўзга ташланган асосий ҳолатлар нимадан иборат?

Аввало МҲСК футболчиларининг одатдан ташқари кутаринкилик билан тўп сурганлигини таъкидламоқ жоиз. Ун олти ўйинда 16 галаба! Афтидан, армиячиларнинг бу натижаси кўп йиллар давомида эришилиши қийин марра бўлиб қолса керак. Зеро, бунча муддат ҳам рақиб майдонида, ҳам ўз майдонида бирон марта имкониятни бой бермасдан тўп суриш камдан-кам учрайдиган ҳолдир.

Тўғри, олдинги йиллари ҳам шиддаткорлик борасида армиячиларга тенг рақибни топиш қийин эди. Лекин гоҳитоҳида аллақандай бушашиш юз берар ёки омад юз ўгириб, барқарорлик қўлдан бериларди. Оқибатда олтин медаллар учун баҳсда бошқа командалар ўзиб кетаётганди. МҲСК ўйинига қараганда армиячилар бу йил аввалги хатоларни такрорламасликка қатъий аҳд этиб, муддаога дадил интилишмоқда. Асосий рақиб «Нефтчи» билан фарқ қарийб ун очколан иборат эканлиги инобатга олинса, фақат фавқулодда вазиятгина армиячиларга шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишларига ҳалақит бериши мумкин.

МҲСКдан фарқли равишда «Дўстлик» бир неча мавсумдирки оҳиста, лекин муттасил равишда мавқеини яхшилаб бормоқда. Бу йил пойтахт вилояти чарм тўп усталари медалларга сўзсиз талабгорлар сафидан мустаҳкам жой олишди.

Мухлислар ўтган йилги голиб «Навбаҳор»дан кўп нарса кутишганди. Лекин аввалбошданоқ наманганлик футболчиларнинг омади юришмади. Энди бой берилган имконият ўрнини қоплаш қийин. Ҳеч бўлмаса кучли учликдан жой олиш учун ҳам астойдил тўп суришга тўғри келади.

Мавсумни жуда яхши бошлаган «Пахтакор» кейинчалик бушашишга йол қўйиб, эндиликда бешинчи поғона билан кифояланишга мажбур бўлмоқда. Тўғри, кейинги икки ўйин мухлислар қалбида яна умид учқунларини уйғотди. Ким билади, иккинчи даврада «Пахтакор» отни қамчилаб қолиши ҳам мумкин.

Тўрт карра мамлакат чемпиони «Нефтчи» жамоаси чинакам профессионалдар сирасига киради. Бу нимада намоён бўлади? Шундаки, команда бир текис ўйин намойиш этиб, ҳар учрашувда йигинчоқлик билан майдонга чиқади ва имкон доирасидаги очколарни олатда қўлдан бермайди. Лекин жон-жаҳди билан бор куч-ғайратини ишга соладиган жамоалар билан баҳсда бундай ўйин услуби гоҳо панд бериб қўяди. Нима бўлганда ҳам, «Нефтчи» медаллар учун асосий даъвогарлардандир.

Қолган командалар тўғрисида дангал бир нима дейиш қийин. Зеро, «Бухоро», «Суғдиона», «Трактор»ни истисно қилганда, бошқа жамоалар олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун жиддий кураш олиб боришларига тўғри келади.

Олий табақа жамоалари биринчи даврани якунлаган паллада миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашиш учун қайси командалар билан мусобақаласишни аён бўлди. Булар Япония, Жанубий Корея, Қозоғистон ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаларидир.

Ҳар бир команда рақиби билан сафарда ва уз майдонида тўп суради. Гуруҳ голиби тўғридан-тўғри келгуси йили Францияга бориб, финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Иккинчи ўрин соҳиби эса бошқа туруҳда шундай натижага эришган жамоа билан учинчи йўлланма тақдирини ҳал этади. Бу баҳсда ютқизган команда Океания минтақаси голиби — Австралия терма жамоаси билан майдонга чиқади.

Куриниб турибдики, миллий терма жамоамиз илк бор жаҳон чемпионати финал босқичида тўп суриш учун мураккаб синовдан ўтиши керак. Лекин довдирашга ҳожат йўқ. Куч-ғайратга тула, маҳорати мамлакатимиз биринчилиги ўйинларида тобланиб бораётган терма жамоамиз аъзолари олдда турган вазифани бемалол уддасидан чиқишлари мумкин.

Энди олий табақа жамоаларининг биринчи даврадан кейинги мавқелари билан танишинг.

Жамоа	Ўйин	Очко
1. МҲСК	16	48
2. «Нефтчи»	17	41
3. «Дўстлик»	16	37
4. «Навбаҳор»	17	34
5. «Пахтакор»	17	32
6. «Бухоро»	17	25
7. «Суғдиона»	17	25
8. «Трактор»	17	23
9. «Афросиёб»	17	19
10. «Косонсой»	17	19
11. «Зарафшон»	17	18
12. «Насаф»	17	18
13. «Андижон»	17	17
14. «Атласчи»	17	17
15. «Хоразм»	17	15
16. «Чилонзор»	17	14
17. «Сурхон»	17	14
18. «Янгиер»	17	13

Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.

Ёз — чиниқмоққа соз

ДЕНГИЗ СОҲИЛЛАРИДА

Тошкент денгизи. У инсоннинг ақли, билак кучи билан яратилган қўлбола денгиздир. Унда табиий денгизларга хос бўлган барча сифатлар мужассам. Денгиз сон-саноқсиз дов-дарахтлар билан ўралган. Жазирама иссиқ бўлишига қарамай бу ер салқин. Соҳилда қўплаб оромгоҳлар, соғломлаштириш масканлари жойлашган. Улардан биттаси «Меҳрижон» ўқувчилар оромгоҳидир. У 12 гектар майдонни ташкил этади. 100 га яқин мевали-манзарали дарахтларга бурканган. Шу кунларда оромгоҳнинг боғларида пишиқчилик. Бу ерда болаларнинг жисмоний соғлом ўсиши учун барча қулайликлар муҳайё. Спорт комплекси доимо болалар билан гавжум. Улар бу ерда барча спорт турлари билан шуғулланишади. Футбол, волейбол, теннис майдончалари, чўмилиш бассейнлари, 600 ўринли кинотеатр, 600 кишига мўлжалланган ошхона улар хизматида.

Бу йил Тошкент денгизи соҳилларида Орол бўйидан келган ўқувчилар ҳам мириқиб дам олишмоқда. Шу кунларда 85 нафар жажжи ўғилқизлар ҳордиқ чиқаришмоқда. Қорақалпоғистон Республикасидан келган болакайлар ҳам эндиликда Тошкент денгизида дам олиб, соғлиқларини тиклашяпти.

Бош шифокор, фидойи раҳбар Хосиятхон Турғунбоеванинг куюнчаклиги, тиниб-тинчимаслиги натижасида оромгоҳ газлаштирилди. Коммунал хўжалик министрлиги томонидан «Дамас» енгил машина берилди. Тарбиячилар Эльмира Замилева, Мунира Атабоева, Альберт Минжаловлар болаларнинг яқин дўсти ва мураббийсидир.

«Меҳрижон» оромгоҳи билан Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатларнинг Тошкентдаги элчихоналари яқиндан алоқа ўрнатган.

Элчихона вакиллари вақти-вақти билан оромгоҳга ташриф буюриб, болаларнинг яхши дам олишлари билан яқиндан танишадилар.

«Меҳрижон»нинг Тошкент денгизи соҳилида ташкил этилганига бу йил роппа-роса 20 йил тўлди. Яқинда қутлуғ сана муносиб нишонланди.

Бахром ҚАҲҲОРОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. «Меҳржон» болалар оромгоҳининг етакчиси Ҳосият опа Турғунбоевани (чапдан биринчи) доимо дам олувчилар қуршовида учратасиз. Опа хушмуомаласи, самимий иссиқ чеҳраси ва билими билан бу ердагиларнинг муҳаббатини қозонган. 2. Оромгоҳнинг спорт мажмуидаги майдончалар эрталабдан кечгача ёшлар ихтиёрида. Айниқса, футбол, волейбол, теннис майдончалари, сув ҳавзалари болалар билан гавжум. 3. Яқинда тез сузиш бўйича дам олувчилар орасида мусобақа ўтказилди. Қизғин курашлар остида ўтган бу беллашувда Нукус шаҳридаги 34-мактаб ўқувчиси Марсель Камолов биринчиликни қўлга киритди.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Турфа олам

«КАШАНДАЛАР МАМЛАКАТИ»

Бугунги кунда Америка кашандалар сони бўйича дунёда энг олдинги ўринни эгаллайди. АҚШ касалликларни даъволаш ва назорат қилиш миллий марказининг маълум қилишича, бу мамлакатда сигарет тутуни 1990-94 йиллар давомида 2,1 миллион кишининг ёстиғини қуритган.

Энг ачинарлиси шуки, 1985-95 йиллар мобайнида 35 ва ундан катта ёшдаги америкаликларнинг тамакига эҳтиёжи ошса ошганки, камаймаган. Шифокорлар кашандалар сонининг кундан-кун ортиб бораётганига, асосан, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корпорациялар айбдор, дейишмоқда. Негаки, кейинги пайтларда бир қути сигаретнинг нархи ўртача 40 центга арзонлашган. Бу эса, ўз-ўзидан кашандалар сонини яна ҳам кўпайтирган.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Нуриддин ҳожи» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

«Оқ-олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти кузатувчи Кенгаши акционерларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини маълум қилади. Бу йиғилиш 1997 йил 28 август соат 14.00 да ҳиссадорлик жамияти биносида, яъни Тошкент шаҳри, шаҳар «Навоий» савдо ярмаркаси, «Ўзсаламан» дўконида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ҳисоб ҳайъати таркибини тасдиқлаш.
2. «Оқ-олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг 1997 йил биринчи ярим йиллигидаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ҳисоботи.
3. «Оқ-олтин-ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятини қайта ташкил этиш ҳақида ва ҳайъат таркибини тасдиқлаш.
4. «Торговий дом «Енгил саноат» акционерлик жамиятига бирлашиш ҳақидаги шартномани ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга булган акционерларни руйхатдан ўтказиш юқорида кўрсатилган манзилгоҳда соат 13.00 да бошланади.

Акционерлар ва уларнинг вакиллари қуйидаги ҳужжатларни кўрсатишлари зарур булади:

шахсини тасдиқловчи гувоҳнома;
реестрдан кўчирма;
ишончнома (вакиллар учун).

Акционерлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга булганларнинг руйхати 1997 йил 28 август ҳолатига кура

ДРОПП УЛЬТРА — самарали дефолиация воситаси

Дропп Ультра препарати ҳаво ҳарорати нисбатан паст шароитда ҳам қўлланилиши мумкин бўлган, ғўза шохларини куйдириб-курқшатиб юбормасдан, баргларини яшил ҳолатда тўкишга мўлжалланган, ҳосилдорликка путур етказмайдиган ҳамда пахтанинг тоза терилишини таъминлашга хизмат қилувчи энг замонавий дефолиантдир.

Пайкаллар суғорилганига ҳали кўп вақт бўлмаган, қатор ораларида намлик сақланиб турган пайтда, ҳар бир ғўза тупида 3-6 та кўрак очилганда дефолиация қилиш яхши натижа беради.

Ўзбекистонда қабул қилинган мезон бўйича Дропп Ультра дефолиантидан ўрта толали пахта навлари учун гектарига 0.6 литр, ингичка толалиларга эса 0.8 литр сарфлаш мақсадга мувофиқ.



Қўшимча маълумотлар юзасидан, Германиядаги «АгрЭво» фирмасининг Ўзбекистон ваколатхонасига мурожаат этинг.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 7-уй, 56-квартира, Тел.: 33-35-25, Факс: 30-20-31.

AgrEvo

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0437, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.